

30 АПРЕЛ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 марта бошлаган

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз мушистарий!

ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@utmail.uz

2023 йил 15 апрел № 14 (8456)

Муҳим ахборотлар

Президент фармони билан 1 апрелдан пенсия ва нафақалар миқдори, 1 майдан меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари оширилмоқда

Давлатимиз раҳбари "Иқтисодий ётда давлат иштирокини қисқартишишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорга имзо чекди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари юзасидан видеоселектор ийғилиши ўтказилди.

Президентимиз "Иқтисодий исплоҳотларни амалга оширишда иммий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди

Шавкат Мирзиёев раислигида янги уй-жой қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор ийғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Маъмурий исплоҳотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорни имзолади

Ш.Мирзиёев "Ижтимоий соҳа обьектларининг иситиши тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида" ги қарорни имзолади

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етишиши тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди

Жараён

"АЁЛИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДАНИМИЗ!"



Тадбир аввалида туман ҳокимининг ўринbosari—оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Марямхон Йўлдошева барча қатнашчиларга рўзаи рамазон баракотларини тилаб, уларни яқинлашаётган Ўзбекистон референдумида фаол иштирок этишга чақириди.

Шундан сўнг Тошкенти азимдан ташриф буорган меҳмонлар иштирокидаги тадбир дилдан самимий сухбат, шеърий лаҳзалар, туманимиз санъатколарининг аёлни, она юртни мадҳ этувчи қўшиқлари асосида қизиқарли, мароқли ўтганилиги билан барчага бирдек маъқул келди.

Тошкент Ҳалқаро Ислом академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси профессори Матлубахон Қаҳхорованинг нима учун янгиланаётган Конституцияга "МЕНИКИ, СЕНИКИ, БАРЧАМИЗНИКИ", деб қараш кераклиги моҳиятини Бош Қомусимиз асосига киритилётган моддалар ва нормалар асосида тушунтириб берди. Ҳалқимиз билан бамаслаҳат шаклан ва мазмунан такомиллашаётган янги таҳрирдаги лойиҳада нафақат она ва болалар,

Утган пайшанба куни "Қийқи" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Маданият маркази кайвони онахонлар, туман фаол аёллари, ёшлар билан гавжум бўлди. Боиси, бу ерда 30 апрелда ўтадиган референдум олдидан "Аёли эъзозланган юрт" шиори остида янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мақсад-моҳијати тарғиботига бағишиланган сиёсий-маърифий тадбир ўюстирилди.

балки оталар ҳуқуқи ҳам кафолатланаётгани айни мудда бўлиди. Шунингдек, амалиётдан чиқиб кетган декрет таътилининг қайта тикланаётгани, ҳомиладор аёлга иш беришни рад этиш мумкин эмаслиги, уй-жой, яъни мулк



эгасини бозор шароитида рози қилмай туриб, суд қарорисиз кўчириб бўлмаслиги, озодликдан маҳрум этилган ота-она, қариндош-уруг учун фарзанд ёки ака-укалар жавоб бермаслиги, ёш оиласи уй-жой билан таъминлаш давлат зиммасида эканлиги ва эл манфаатини кўзлаган ҳоказо модда ва нормалар лойиҳага киритилганини давра аҳли мамнуният билан қарши олди.

Давоми 2-бетда

ОТА ИЗИДАН



Ёши улуғ дехқонлар орасида Нурали Назировни танимайдиганлар топилмаса керак. Дўрмонлик миришкор дехқончилик илмининг пири эдилар десак, хато бўлмас. Раҳматли ернинг "томир уриши"ни ҳис қилардилар. Шунинг учун бўлса керакки, унинг етакчилигидаги бригада (у пайтларда шундай аталарди) ҳеч қачон режани бажаролмай, доғда қолмаган.

От изини той босади, деганларида ота изидан бораётган Орифжон фермер салкам йигирма йилдан бўён 90 гектар майдонда дехқончилик қилаётган "Абдусамад Жасурбек ери" хўжалиги жамоасини пахта, фалладан мўл ҳосил етиширишга даъват этиб келаётир. Бугун хўжаликнинг 50 гектарли фалла майдонида ҳосил гуркираб ривожланяти. Шу кунларда жамоа аъзолари фаллага агротехника талаблари асосида ишлов бериб, бир текис ривожланётган ўзга ниҳолларини техника ёрдамида култивация ва чопиқдан чиқармоқдалар. "Зиммазидаги мажбуриятни адо этиб, эл олдида юзимиз ёруғ бўлишига эришиш биз учун ота мерос" дейди Орифжон Назиров (суратда).

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

УШБУ
СОНДА:

(2)

- * "Аёли эъзозланган юртданмиз!"
- * Фаол қатнашамиз
- * Референдум участкасида

(3)

- * Янгиланаётган Конституция
- * Унутилмас учрашувлар, адабий кечалар...

(4)

- * Сабоқ бекати
- * Минг ойдан яхшироқ кеча
- * Дунёнинг мумтоз файласублари
- * Закот нисоби

Жараён

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аёл-қизлар Ўзбекистон Халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг хос шогирди, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Гулжамол Асқарованинг Конституциянинг янгиланиши зарурати билан боғлиқ фикрларини эътибор билан тингладилар. “Биз яқин ўтмишга тош отиш ниятидан иироқмиз, – дейди у. – Мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституцияси қабул қилинганидан бўён орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бугунги тезкор ва глобаллашув замонида бу жуда салмоқли муддат. Давлатчиликимиз ҳам шу асосда такомиллашиб, ҳалқимизнинг турмуш тарзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кенгайишини даврнинг ўзи тақозо этяпти. Биз бу таромиллашувнинг моҳиятини тарғиб қилиш учун хузурингизга келдик”.

Давра ахли шоирадан шеър талаб қилиши табиий ҳол, албатта. Гулжамол дастлаб бетакор устози Ҳалима Худойбердиеванинг “Муқаддас аёл” шеърини маромига етказиб ўқиди. Шоиранинг ўз ижод намуналаридан ўқиган шеърларини муҳлислар олқишли билан қарши олдилар.

Тарғибот гурухи аъзолари—Оила ва хотин-қизлар иммий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи Содиқжон Ҳўжаев, “Ўзқимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси маслаҳатчиси, республика “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси Соҳибахон Абдурахмоновларнинг мавзуга оид фикрлари ҳам барчага бирдек манзур бўлди.

Вилоят “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси, таникли журналист Ҳадичахон Каримова, туман ҳаракатининг фаол аъзоси, ички ишлар бўлими инспектори Дилдорахон Ваҳобова сўзга чиқиб, шакл ва мазмун жиҳатидан янгиланаётган Конституциямиз жамиятимизнинг тенг ярмини ташкил этувчи аёллар, қолган ярмини тарбияловчи оналар ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам қалқони бўлиб, хотин-қизлари эъзозланётган юртимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий тараққиётида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласига ишонч билдирилар.

Сұхбатлар туманимиз

санъаткорларининг шўхчан куй-кўшиклари, давра ахлининг рақслари билан ҳамоҳанг кечди.

Маънавий-ҳуқуқий даврани 40-умумтаълим мактабининг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилярабоҳон Ҳасанова юксак савида бошқарди.

Шу куни меҳмонлар маҳалланинг Арҷазор кўчасидаги Шоҳистахон Эргашеванинг хонадонида туман фаоллари иштирокида кайвони онахонлар даврасида жамиятимизнинг асоси бўлган оиласларни мустаҳкамлаш учун нима қўлмоқ керак, деган савол



“АЁЛИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДАНИМИЗ!”



атрофида давра сұхбати ўюштирилар. Даврада ҳозир бўлган Патилахон Рўзиматова, ҳоким маслаҳатчиси Мухаббатхон Мўйдинова ва бошқалар жамиятнинг энг оғрикли муаммоси – оиласлар ажримлар сабаблари ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилар. Ажрим остонасига келиб қолган оиласлар билан ишлашнинг ҳуқуқий-психологик жиҳатлари ҳақида Собиржон Ҳўжаев зарур тавсиялар берди. Таъкидланишича, оиласи-оила қилишда азалий қадриятларни мизга қайтишимиз, қизларни оналар, амма-холалар, йигитларни оталар, керақ бўлса, амаки-тоғалар турмушга пухта тайёрлашига эътибор беришими зарур. Яна, энг аввало оила катталари, қолаверса,

ёшлар сабр ва масъулиятга таянсалар, ҳар қандай муаммога ечим топиш мумкин, деган холосага келинди.

Боқувчисини йўқотиб, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Үфилой Мамажонова хонадонидаги учрашув ҳам фойдали кечди. “Томорқамиз енг-мўл, – дейди Үфилой. – Узум етиширамиз, қозонга тушадиган сабзавотларни ҳам экиб оламиз. Кўлимидан ҳамма иш келади, тадбиркорликка кўй урмоқчиман. Кекса онам, ногирон фарзандимни ташлаб чиқиб кетишга имконим йўқ.

– Мен Үфилойга касаначилик фаолиятини таклиф қиламан, – сұхбатга қўшилади маҳалла фуқаролар йигини раиси Муҳторжон Оҳунжо-

нов. – Учкўприда трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқараётган корпорация масъуллари билан келишиб қўйдим. Улар ҳом ашёни келтириб беришади, Үфилой бичиб келтирилганларни тайёр кийим қилиб тикиди. Маҳсулотни корхона вакиллари олиб кетишади. Онаси ва боласини қаровсиз қолдирмасликнинг бирдан-бир йўли шу.

Ҳозир бўлган масъуллар тақлиф ижросини назорат қилиб, таъминлашни зиммага олдилар.

Аёлларнинг иш билан бандлиги даражасини ўрганиш учун меҳмонлар Сармозордаги кичик саноат зонасида бўлдилар. Бу ердаги Акбаржон Муҳаммадраҳимов раҳбарлигидаги болалар пойабзали

ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти барчани бирдек ҳайратлантиримай қолмади. Чунки корхона аёл ва эркаклари кўлидан чиқаётган пойабзаллар дизайни, бежирим ва пишиклиги билан “менман” деган хорижникидан ўтса ўтади, қолишмайди. Тадбиркор бу сифатли болалар пойабзалларини ички бозордан ташқари Қирғизистон, Тоҷикистонга ҳам экспорт қилинаётганини айтади. Қойил, изланиб, интилиб, йўқдан бор қилаётгандар қандуни урсин, дейиши улар.

Кўринарли жойга “Хотин-қизларни ишга тақлиф қиламиз. Ойлик маошлар иш самарасига қараб 1,5 миллиондан 3 миллионгача” деган эълон илиб қўйилган корхонага кирамиз. “Ал-соф” масъулияти чекланган жамиятда шу кунларда 20 нафар аёл фаолият кўрсатаётган экан. Улар тайёрлаётган трикотаж маҳсулотлар сифатли, дизайнни ҳам замонавий. “Биз фаолиятимизни кенгайтириш ҳаракатидамиз, – дейди башқарув раиси Бобуржон Нўймонов. – Бизга яна 60-70 нафар тикувчи керак. Иложи бўлса, ёрдам берсаларингиз.

– Қаранг, қишлоқ саноат зоналарида мана шундай сифатли, пишиқ-пухта маҳсулотлар ишлаб чиқариллаётганинга қойил қолмай бўладими, – ҳайратланиб сўзлашади меҳмонлар.

– Биз сизларга ишчи кучи топишда бажонудил ёрдам берамиз, – дейди туман “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси Давлатхон Юсупова. – Фақат уларнинг ишга келиб-кетиши қандай бўлади?

Рахбар ишчилар маҳсус транспортда келиб-кетишиларни билдиради. Ишчи кучи топиш эса “Оқила аёллар” ҳаракати зиммасига юкландади. Яна қисқагина давра сұхбати жараёнида аёллар 30 апрел куни ўтадиган референдумдан хабардор эканликларини, унда фаол қатнашажакларини билдиришади.

Хулас, республика тарғибот гурухи аъзолари қаерда бўлмасинлар, кўштепалик аёлларнинг қайфияти, интилиши асносида ҳақиқатан ҳам улар аёли эъзозланётган юртда яшаётгандаридан мамнун эканликларини хис қилдилар.

ИҚБОЛОЙ

Ушбу суратлар

Бахтиёржон

РЎЗИОХУНОВ томонидан ана шу жараёнда тасвирга туширилди.

Faol qatnashamiz

Konstitutsiya bugunninggina tushunchasi emas. Zero, buyuk sohibqironning „Temur tuzukular“i Sharq va Osiyo mamlakatlari tsivilizatsiyasiga xos alohida shakldagi konstitutsiyaviy hujjat xususiyatiga ega deya ta’riflanadi. Demak, Bosh Qomus har qachon, har qaysi davrda ham xalq va mamlakat uchun o’ta muhimdir.

Davrlar o’tishi bilan hayotning har bir jabhasi yangilanadi, yaxshilanadi va oldinga siljish bo’ladi. Zamonga, makonga, davlat va xalq ehtiyoji taqozosiga ko’ra davlat qonunlari ham yangilanishi davr talabidir. Mamlakatimizda joriy yilning 30-aprel kunida Konstitutsiyamiz yangilanishi, ya’ni qator jiddiy o’zgarishlar va qo’shimchalar kiritilishi munosabati bilan referendum o’tkazilishi baayni ana shunday taraqqiyotning in’ikosidir.

Yangilanishdan avval, albatta, bevosita xalqning fikrlari, istak-xohishlari inobatga olinadi. Vaholanki, Konstitutsiya xalqqa xizmat qiladi, unda davlat

manfaatlaridan ko’ra xalq manfaatları ustun qo’yilib, insonparvarlik tamoyillari asosiga quriladi. Shuni inobatga olgan holda bugungi kunda jamiyatning ilg’or vakillari tomonidan joylarda keng ko’lamlı uchrashuvlar olib borilmoqda va konstitutsiya yangilanayotgani mohiyati haqida ommaga tushuntirilmoqda.

Yaratib berilayotgan imkoniyatlarga yarasha, xalq ham o’zining huquqiy savodxonligini oshirishi, haq-huquqlarini yaxshi bilishi kerak. Ishonamizki, endilikda, konstitutsiyamizdagi qonuniy ko’rsatmlar faqat hujjatlarda qolib ketmaydi. Har bir huquqi toptalgan shaxs yangi o’zgartirishlar sababli ham o’z qadr-qimmatini atroflichha himoya qila olishi mumkin. Shunday ekan, o’zini shu Vatanning fuqarosiman, shu millatning bir vakiliman degan har bir shaxs referendumda faol qatnashishi kerak, deb o’ylayman. Oilamiz, jamoamiz bilan jam bo’lib bu muhim jarayonda qatnashamiz va el-yurtning umidli kelajagiga o’z hissamni qo’shamiz!

**Dilshoda ABDUOLIMOVA,
43-umumta’lim maktabi ijodiy-madaniy
masalalar bo’yicha targ’ibotchisi.**

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИДА



Барча жойлардаги каби 9-умумta’lim мактаби биносида жойлашган референдум ўtkazuvchi 723- участка аъзолари ҳам 30 апрел куни бўладиган сиёсий жараёнга амалдаги қонун ҳамда Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган Низом асосида пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ушбу суратда участка раиси Юсуфжон Сулаймонов (ўртада) бир гурух фаоллар билан навбатдаги вазифалар ҳақида сұхбатлашмоқда.

Янгиланаётган Конституция

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА МУКАММАЛЛАШАЁТГАН НОРМАЛАР

**Янгиланаётган Конституцияда суриншириув, тер-
гов ва суд жараёнида инсон ҳуқуқларига оид энг
муҳим кафолатлардан хабардормисиз? Келинг,
мақоламиизда шу ҳақида сўз юритамиз.**

Халқ билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган лойиҳада шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилди ҳуқуқларири ва ушлаб туриш асослари тушунтирилиши шартлиги белгиланмоқда. Шунингдек, шахс ўзининг айбизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут саклаш ҳуқуқидаги фойдаланиши мумкинлиги навбатдаги кафолат сифатида мустаҳкамланмоқда.

Айбордликка оид барча шубҳалар гумон қилинүвчи, айланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Яъни, шахснинг айбини исботловчи аниқ далиллар бўлмасдан туриб, уни шубҳа ва гумонлар асосида айборд деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги кафолатланяпти. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин

эмас. Ҳибсга олиш, қамоқча олиш ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади.

Езишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошқа хабарлар сир сақланишини чеклашга ҳамда уй-жойда тинтив ўтказиша фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади. Юқоридаги нормалар янгиланаётган Конституциямизда акс этмоқда. Ҳўш, ушбу нормалар қаердан ва нима сабабдан қабул қилинажак қомусимиздан ўрин олмоқда?

“Сиз сукут саклаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда

ўзингизга қарши фойдаланиши мумкин”. Бу машҳур ибора бир неча марта жиноятни сифатида гумон қилинган Эрнест Артуро Миранда исмли АҚШ фуқаросининг номи билан боғлиқ.

Гап шундаки, 1966 йили бир неча жиноятни содир этганликда гумон қилинниб, ҳибсга олинган Миранда га сўроқ қилинишидан олдин унинг гумондор сифатида ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган. Миранда ўз ҳуқуқларини билмагани ҳолда айбига икрорлик кўрсатувларини берган. Дастрлабки суд ҳуқмида бундай кўрсатувлардан унинг икрорлигига исбот сифатида фойдаланилган. Кейинчалик суднинг бу ҳуқми Миранда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмаганлиги сабабли АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинган.

Нега деганда АҚШ Конституциясида айланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким жиноятни сифатида ӯзига-ӯзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши, ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мум-

кин эмаслиги, ўз ҳимояси учун адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган эди. Шундан буён “Миранда қоидаси” деб юритиладиган норма дастлаб сўроқ қилиш олдидан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинүвчи ва айланувчига ҳуқуқларини тушунтирилишини кафолатлади.

Бугунги кунда “Миранда қоидаси” барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро ҳужжатларда умумътироф этилган норма сифатида белгиланган ва ушбу қоида Конституция даражасида белгиланиши лозим бўлган инсон ҳуқуқларига оид энг асосий қоида ҳисобланади. Бошқача айтганда, гарчи “Миранда қоидаси” Ўзбекистон Республикаси Жиноят процес-суал кодексида у ёки бу кўринишда акс этирилган бўлсада, уни жиноят қонунчилигига белгилаб қўйишнинг ўзи камлик қиласи.

Мухтарам ўқувчи, фақатгина бир йўналишдаги бу ҳалқаро эътироф этилган қоиданинг асосий қонунимизга киритилиши фуқаро манфаати учун нақадар муҳим эканлигини англаб етганингизга ишончим комил. Шунинг учун ҳам 30 апрел куни ўтадиган сиёсий жараёnda иштирок этишимиз жуда муҳимдир.

**С. ШОКИРОВ,
Фарғона туманлараро
маъмурӣ
суди судъяси.**

Республика китобхонлик ҳафталиги доирасида

Мамлакатимизда шу ҳафта “Китобхон миллат” шиори остида III Республика китобхонлик ҳафталиги ўтказилиди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўйруғи асосида ўтаётган ҳафталик доирасида туманимизда янги китоблар тақдимоти, викториналар, ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР, АДАБИЙ КЕЧАЛАР...



Ҳафталик доирасида туман ахборот-кутубхона марказининг Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги филиалида таникли шоира, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг дастлабки совриндорларидан бири, Ҳалима Худойбердиеванинг шогирди Гулжамол Асқарова, яқинда “Буни умр дерлар” китоби дунёга келган публицист Ҳадичаҳон Каримовалар билан бўлган учрашув ўқувчиларда унтилмас таассурот қолдирган бўлса, ажаб эмас.

Учрашув чоғида Гулжамол Асқарова ҳаёти ва ижодий фаолиятида китобнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб, ҳозиргача чоп этилган ўндан ортиқ тўпламлари яратилишида бу улуғ неъматга ошнолигининг ўрни бекиёс бўлганини айтади. Ҳадичаҳон Каримова китобхон миллат ҳеч қаҷон завол кўрмаслигини, бу буюк куч ўт-

мишдан садо берib, бугуннинг завқдардини, келажакни ҳис эта олишга ўргатишини таъкидлайди. Гулжамол Асқарованинг сўз қудрати ҳақидаги шеърий сатрларини ёш китобхонлар олқишилар билан қарши олишиди.

Учрашувда ҳозир бўлган туман ҳокимининг маслаҳатчиси Мұҳаббатхон Мўйдинова китобсевар инсон ҳамиша эзгу мақсадлар рўёби учун курашувчан бўлишини эътироф этади ва ўқувчиларни бу борада яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга унади.

**Маҳбубаҳон ҲОШИМОВА,
туман ахборот-кутубхона
маркази ходими.
Суратда : Гулжамол Асқарова
китобсевар ўқувчилар
даврасида.**

Сўраган эдингиз

АВТОМАШИНАЛАР ҚАНЧА МУДДАТДА ТЕХНИК ҚЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛАДИ?

Савол: Мен “Ласетти” русумли автомашинани сотиб олганман, автомашинам 2016 йилда ишлаб чиқарилган. Ушбу автомашинамни қанча муддатда техник қўриқдан ўтказишм керак?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июннадаги “Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулийликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига кўра

а) ишлаб чиқарилганига ўн йилча бўлган жисмоний шахсларга тегишли енгил автомототранспорт воситаларини техник қўриқдан ўтказиш ихтиёрий равишда амалга оширилади;

б) енгил автомототранспорт воситаларини мажбурий техник қўриқдан ўтказишнинг қўйидаги муддатлари белгиланади:

ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача бўлган енгил автомототранспорт воситалари икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилганига ўн беш йил



ва ундан ортиқ бўлган енгил автомототранспорт воситалари бир йилда бир марта.

Мазкур муддатлар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолиятида фойдаланиладиган енгил автомототранспорт воситалари учун татбиқ этилмайди.

**И. ЗОКИРОВ,
туман адлия бўлими юридик
хизмат кўрсатиши
маркази бошлиғи.**

JAHON AYVONIDA

ТУРКИЯ ДУНЁНИНГ «СЕВИМЛИ МАНЗИЛ»И ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Йиллар ўтса-да, ёддан чиқмайдиган тўйларни ташкиллаштириш бўйича илфор тажрибага эга бўлган Туркия, дунёнинг етакчи ҳашаматли тўй ташкилотчилари бирлашмаси RSVPнинг – “RSVP Гала мукофотини топшириш маросими”да дунёнинг энг «Севимли манзили» дея эътироф этилди.

ЧИВИН ОРҚАЛИ ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР ЖУДА ХАВФЛИ

БМТ янгиликлар маркази маълум қилишича, яқинда ЖССТ мутахассислари иштирокида чивин чақиши билан одамга юқадиган касалликларга бағишиланган брифинг бўлиб ўтган. Тадбирда чивин орқали юқадиган Денге ва Чикунгуня вирусли инфекциялари дунёнинг кўпгина минтақаларида жуда тез тарқалаётгани хавотир билан қайд этилган. Ушбу вируслар кенг тарқалишининг асосий омили глобал исиш бўлиши мумкин. Буни ЖССТ мутахассислари ҳам тасдиқлашмоқда.

**Расулуллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан**



Аллоҳнинг тоатида умринг узоқ бўлиши саодат устига саодатдир.

Қузоъий ривояти.

Бева аёл ва мискинлар ахволидан хабар олуви Алоҳ йўлидаги муҳоҳидга ёки кечаси қоим, кундузи рўздор кишига ўхшайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан Бухорий ва Муслим ривояти.

Мисвоқ оғизни поклаб, Рабни рози қилиб, кўзни нурлантиради.

Табароний ривояти.

Савол беришдан олдин салом лозим. Кимки саломдан олдин савол бошласа, саволига жавоб берманглар.

Умар (розияллоҳу анху)дан Ибн Нажкор ривояти.

Салом Аллоҳнинг исмларидан бирни бўлиб, У Зот уни ерга қўйгандир. Шундай экан, сизлар уни ораларингизда ўйнинг. Чунки мусулмон киши бир қавм олдидан ўтиб, уларга салом берса, улар унга алик олиша, бу салом берган кишининг саломни эслатгани учун даражаси юқори бўлади. Агар улар саломга алик олишмаса, у қавмдан яхшироқ ва покрок, яъни фаришталар жамоаси алик олишади.

Ибн Маъсүд (розияллоҳу анху)дан Байҳакий ривояти.

Ёлғон гувоҳлик берувчига икки қадам босмай туриб, Алоҳ таоло унга дўзахни вожиб этади.

Ҳоким ривояти.

Ўтирадиган жойларнинг энг ёмони бозор ва йўллардир. Ўтирадиган ерларнинг яхшиси эса масжидлардир. Агар масжидда ўтирасанг, ўйнинг ўтиришни лозим топ.

Восила (розияллоҳу анху)дан Табароний ривояти.

**“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022 йил.**

Азиз муштари! Ҳафтаномамида улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганилиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра ийғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Муқаддас ой сұхбатлари

МИНГ ОЙДАН ЯХШИРОҚ КЕЧА

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, муборак Рамазон ойининг Қадр кечасига ҳам етиб келмоқдамиз. Бу кечанинг қадрига етиб, ибодат ва дуолар билан ўтказишими, аҳлимиз ва ёру дўстларимизни ҳам бу кечадан огоҳлантиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Қадр кечаси энг улуғ кечадир. Чунки бу кечада Қуръони Карим нозил бўлган. Аллоҳ таоло “Албатта, биз У (Қуръон)ни қадр кечасида туширдик”, деб марҳамат қиласди. (Қадр сураси, 1-оят). Ушбу суранинг давомида Парвардигоримиз “Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир”, – деб айтади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: Кимики Лайлутул Қадр кечасини иймон ва ихлос билан қоим бўлиб бедор ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур”, – дедилар.

Ҳадиси шарифда кечани ихлос ва мұхаббат ила қоим бўлиб бедор ўтказган кишига гуноҳлари кечирилиши ваъдаси бериляпти. Кечани бедор ўтказиш намозлар ўқиш, Қуръон тиловатини қилиш, тасбех ва такбирлар, истиффор айтиб, тавбалар қилиш каби амаллар билан бўлади.

Хусусан, намозининг қазоси борлар, албатта қазо намозларини ўқиши кўпайтиришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Кечани қоим бўлиб бедор ўт-

казишнинг энг асосий шарти хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқишидадир. Чунки ҳадиси шарифларда, ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади, дейилган. Яна бошқа бир ҳадиси шарифда, ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади, дейилган.

Қадр кечасида Аллоҳ таолонинг амри билан фаришталар ҳар бир осмондан ва Сидратул мунтаҳодан Ерга тушишади, тонг отгунича инсонларни дуо қилишади ва дуо қилганларга қўшилиб «омийн» деб туришади. Ушбу кечада ибодатлар билан бирга дуоларни ҳам кўп қилишигимиз керак. Нималарни сўраб дуо қилишигимиз ҳақида Ойша розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, агар мен қайси кечанинг Қадр кечаси эканини билсан, у кечада нима деб дуо қилай”, дедим. У зот: “Аллоҳумма иннака афуввун тухиббул афва фаъфу анний” (Эй Аллоҳ, албатта Сен ўта афв қилгувчисан, афв қилишни яхши кўрасан,



мени афв қилгин), деб дуо қилинг”, дедилар”. Термизий ривоят қилган.

Дуолар мустажоб бўлгувчи минг ойдан афзал кечанинг ҳар онини тоат-ибодатда, билиб-бilmай қилган гуноҳларимизга мағфират, элу юртимизга омонлик тилаб дуолар айлаб ўтказайлик. Зоро, бу кеча биз мўмин мусулмонлар учун Яратганимиз томонидан берилган улуғ имкониятдир.

Барчаларимизга ушбу табаррук Қадр кечаси муборак бўлсин.

**Қаҳрамонжон ПАРПИЕВ,
“Эшонгузар” жоме масжида
имоми.**

Дунёнинг мумтоз файласуфлари

Жалолиддин Румий

(1207-1273)

Ҳаёти...

Жалолиддин Румий Балх шаҳрида туғилиб ўди. Уни баъзан Жалолиддин Балхий деб ҳам аташади. Румий шериятнинг барча шаклларида мукаммал ижод қиласди. У битган ғазаллар, рубийлар ва маснавийлар шеърият бўстонининг дурдонасига айланган. Румий асарларида ташбехларга ўралган фалсафий, сўфиёна, теран ғояларга кенг ўрин берилган.

Ҳикмати...

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил.

Улимимдан сўнг мени қаро ердан эмас, маърифатли инсонларнинг қалбидан изланг.

Эзгуликдан бир қальба барпо айлангим, маҳкамлиқда анга ҳеч нарса тенг бўйлмас.

Бу оламда бир бору бир йўқ. Аста-аста кетганлар – йўқ, аста-аста келгувчилар бор.

Аё, сарв! Юксакларга интилмоқни бизга ҳам ўргат!

Ай, фунч! Ўзликни намоён этмоқни ўргат!

Сўз—либос. Маъно шу либос остига яширинган сир.

Кўзгуда ҳамма нарса тескари кўринади. Аммо биз кўзгусиз ўзимизни ҳеч қачон кўролмаган бўлардик.

Сен менга сўз оқиз, дединг. Агар ўзингни ҳақ деб билсанг, у ҳолда сўзингнинг оқизлиги ҳақидаги сўзларинг ҳам оқиздир.

**“Ҳақиқат
манзарадали”дан.
“Янги аср авлоди”.
Тошкент—2002 йил.**

2023 ЙИЛ УЧУН ЗАКОТ НИСОБИ, ФИТР САДАҚА ВА ФИДЯ МИҚДОРИ БЕЛГИЛАНДИ

РАМАЗОН 2023

ЗАКОТ НИСОБИ:

35.700.000 so‘m

ва ундан ортиқ маблагта эга киши, жами маблагининг киркдан бир (2,5%)нг ажратиб, уни зоат ништида камбагал ва фикрларга беради.

ФИТР САДАҚАСИ ВА ФИДЯ МИҚДОРИ:

БУҒДОЙ	≈ 2 кг	12.000 сўм
АРПА	≈ 4 кг	20.000 сўм
МАЙИЗ	≈ 2 кг	100.000 сўм
ХУРМО	≈ 4 кг	180.000 сўм

Хар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўри маҳсулотнинг холатиган бир турдан фитр садакаси ёки фидя миқдорини береса кифоя киласди.

Эслатма: Ушбу қийматлар Тошкент шаҳар бозорларидаги нарха асосан белгиланди. Хар бир ғилоят ўз бозорларидаги нарха қараб фитр садакасини белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАТВО МАРКАЗИ

Азиз муштари! Ҳафтаномамида улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганилиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!